


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари
бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24 08» даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i>	5
2.	<i>70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги	9

1. 70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлифи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) – “Тиллар” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида, хорижий шарқ мамлакатлари билан боғлик давлат ва жамоат ташкилотларида соҳага оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек касбий қўнингмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуслари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида шарқ адабиётшунослиги соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;
- иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида таржимонлик ва иш юритишни ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари.

1.2.3. 70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- маданиятларо мулокот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- турли хизматлар кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишилари бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофик магистратура битиравчуси кўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir килиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуклар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- ўрганилган мамлакат адабиёти соҳасидаги билимларни илмий-тадқиқот ишларида кўллай олиш;
- асосий чет тилидаги мутахассисликка оид илмий манбалар, илмий журналлар, фундаментал тадқиқотлар ва диссертацияларни таҳлил этиш;
- шарқ халклари адабиётшунослигининг ривожланиш босқичлари, ўзлаштирилаётган соҳани тадқиқ этишнинг асосий тушунчалари, таърифлари ва атамаларини билиш ва амалиётда қўллаш;
- ўрганилаётган тил адабиётининг асосий манбалари, ёзма адабий тилнинг юзага келиши ва унинг тарихий такомили, умумхалқ тилининг адабий тилга муносабати масалаларини таҳлил этиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;

- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Маданиятлараро мулокот фаолиятида:

- маданиятлараро мулокотда модератор вазифасини бажариш;

- “тил-маданият-мулодот” алоқаларини амалга ошириш;

- глобаллашув жараёнида миллий-маданий меросни тарғиб қилиш;

- миллатлараро маданий алоқалар ривожида фаолият олиб бориш;

- давлат ва жамоат ташкилотларида таржимон, катта таржимон, бўлим бошлиги, референт ва уларга тенглаштирилган лавозимларда касбий фаолият юритиш;

- маданиятлараро мулодотнинг турли жабҳаларида муайян таржима шаклларини, стратегияларини ва усулларини кўллаб таржима қилиш;

- лисоний, лингвомаданий, адекватликни ва коммуникатив мақсадни инобатга олган ҳолда мулодот олиб бориш;

- хукумат тадбирлари, расмий йиғинларда, учрашувлар ва сайёҳлик соҳасида синхрон таржима ишларини амалга ошириш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда консалтинг хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, хуқуқий ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чикиш;

- қабул қилинадиган карорларни ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари варианtlарини ишлаб чиқиша ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниклаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;

- мутахассислик бўйича оила, гендер, демографик сиёsat, бандлик муносабатлари, иктиносий-ижтимоий ва демографик жараёнларга баҳо бериш ҳамда жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиш;

- шарқ ва ғарб тиллари бўйича таржима ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

2. 70230502 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишлари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктиносий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил килиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-хукукий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш кобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий маколалар тайёрлаш ва таҳrir килиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойихаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон килинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон килинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ўрганилаётган мамлакат адабиётшунослигининг назарий асослари, ривожланиш босқичлари тарихи, адабиётшунос олимларнинг илмий фаолияти;

- ўқитилаётган шарқ тилида яратилган ёзма манбаларни таснифлаш ва уларнинг тадрижий тил хусусиятларини аниклаш;

- «қиёсий-тарихий метод», «реконструкция» ва «боботил» тушунчалари;

- ўрганилаётган мамлакат адабиётидаги назарий адабиётни ўкиб тушуниш;

- ўрганилаётган тилдаги бадиий матнни адабий таҳлил килиш ва унга танқидий қараш кўникмасини ҳосил қилиш учун зарур бўлган назарий билимларни эгаллаш;

- ўрганилаётган шарқ тилидаги мутахассисликка оид илмий манбалар, илмий журналлар, фундаментал тадқиқотлар ва диссертацияларни ўкиш, таҳлил этиш ҳамда илмий шарҳлаш;

- мутахассисликка оид матнларни ўкиш, таржима ва таҳлил килиш, мутахассисликка оид терминларни йиғиш, таснифлаш ва изоҳлаш;

- шарқ халқлари адабиётида бадииятшунослик (поэзология) илмининг шаклланиши; бадииятшуносликка оид ёдгорликлар ва уларнинг генезиси;

- адабий муаммоларни тадқиқ этишда илмий ёндашувлар, асосий тушунчалар ва истилоҳлар;

- бадиий матнларни поэтика қонунлари асосида таҳлил қилиш тамойиллари;

- ўрганилаётган мамлакатда шаклланган ижтимоий ва диний-фалсафий таълимотларнинг адабий жараёнга таъсири;

- турли диний-фалсафий таълимотлар таъсирида шаклланган янги бадиий тизимлар;

- янги адабий оқимлар ва йўналишлар таркибида шаклланган янги жанрлар ва турлар;

- турли адабий мактаблар ёлгорликлари услугидаги фарқларни аниклай олиш;
- жаҳон адабий жараёнлари ва уларнинг ўрганилаётган мамлакат адабиётига таъсири; адабий таъсир асосида наср ва назмда юз берган ўзгаришлар; таъсир ва ўзаро таъсир жараёнларида бадиий услугбнинг ўзгариб бориши; адабий алокалар ривожида таржима санъатининг тутган ўрни;
- ўрганилаётган мамлакат адабиётининг жаҳон халқлари адабиёти контекстида тутган ўрнини аниклаш ва уни тўғри баҳолай олиш;
- назарий материаллар асосида ўрганилаётган адабиётга ташки таъсир масаласига оид маълумотларни тасниф қилиш, ундаги муаммоларни тадқиқ этиш учун зарур материалларни излаб топиш ва тизимли асосда таҳлил қила олиш бўйича малака ва кўнималарга эга бўлиши керак.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:


касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, ўрганилаётган мамлакат адабиёти, адабиётшунослик, жаҳон адабиёти, адабиёт тарихи, бадиият ва бадииятшунослик, адабий танқид соҳасига оид тушунчалар, гипотезалар, назариялар, карашлар, концепциялар, усуllар, модуль, методология, тадқиқот, илмий бошқариш, замонавий тадқиқот методлари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, дидактика, назария, жанр, тил, шакл, мазмун; шеърий тизимлар, шеърият категориялари, адабий категория, адабий тушунча, сўз ва унинг бадиий хусусияти, назм ва наср, поэтик тафаккур, онг оқими, атамалар тизими, бадиий тасвир воситалари, маънавий санъатлар, лафзий санъатлар, муштарак санъатлар, бадиият илми, аruz илми, кофия илми, имагалогия, адабий оқимлар ва йўналишлар, романтизм, реализм, неореализм, модернизм, постмодернизм, сюрреализм, наср ва назмда модернистик йўналишлар, адабий жараёнда тил, тилнинг услуг масалалари, архаизмлар, адабий мактаблар, адабиётшунослик, янги ҳикоя, янги шеър, оқ шеър, адабий мафкура, структурализм, натурализм, типология, адабиёт ва маданият, даврлаштириш, адабий портрет, адабий мерос, адабиёт ва ҳаёт, ижодий фикрлаш, мантиқий фикрлаш, эстетик қарашлар, ахлоқий қарашлар, адабиётнинг ижтимоий вазифаси, экзистенциализм, герменевтика, историософия, автомодернизм, метаструктур анализ, нарциссизм, муаллифлик метоисторизми, имманент таҳлил, характер, прототип, тарихий-маданий таҳлил, киёсий метод, ижодий-генетик метод, биографик метод, структурал метод, стилистик метод, семиотик метод, адабий-назарий тафаккур, социологик метод, контекст, контекстуал таҳлил, ассоциатив фикрлаш, интерпретация, интеллектуал реализм, неореализм, магик реализм, адабий архетип, топос, интертекстуаллик, тасаввуф, мифопоэтика, лингвопоэтика таҳлил, тил вазияти, абсурд адабиёт, бадиий тафаккур, ижодий мухит, илҳом, автопсихологик лирика, ижровий лирика, нарратология, компаравистика, катарсис, мимесис, трансформация, реалия, сюжет ва композиция, қолиплаш усули, сайёр сюжетлар, хронологик сюжет, ретроспектив усул, ассоциатив сюжет, динамик сюжет, концентрик сюжет, адабий талқин, ижодий услуб, адабий йўналиш, адабий мактаб, мифология, сонет, Уйғониш даври, Ренессанс, Декаденс, адабиётнинг функциялари: эстететик, дидактик, билиш, компесаторлик, бадиий башорат.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети



Ректор  Г.Ш.Рихсиева

202 1 йил « 18 » 08


КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министри
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсанов

202 1 йил « 18 » 08

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ректор в.б.  М.Комилов

202 1 йил « 18 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Абу Райхон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти

Директор  Б.Абдухалимов

202 1 йил « 18 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ Таълими вазирлиги хузуридаги
Республика Таълим маркази

Директор  Ш.Сатторов

202 1 йил « 18 » 08

М.Ў.